*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 141 (8381). | 27 июль, 1984 йил ● | ЖУМА | ● Баҳоси 3 тийин.

## ИЛК БОР ОЧИҚ КОСМОСДА КОСМОНАВТ АЁЛ

*ТАСС АХБОРОТИ*

«Салют-7» — «Союз Т-11» — «Союз Т-12» орбитал илмий тадқиқот комплексининг учиш программасига мувофиқ, 1984 йил 25 июлда космонавтлар Светлана Савицкая ва Владимир Жонибеков очиқ космик фазога чиқдилар.

Мураккаб технологик операцияларни бажаришга мўлжалланган янги универсал қўл асбобини синаб кўриш ташқарига чиқишнинг асосий вазифаси бўлди. Бу ишда космонавт аёл актив қатнашди. Космонавтлар Москва вақти билан соат 18 дан 55 минут ўтганида ташқи туйнукни очиб, станциядан чиқдилар. Улар ўтиш бўлмасида ихчам электрон нур установкасини, бошқариш пультини, ток ўзгартгич ҳамда металл намунали планшетларни ўрнатдилар ва уларни ишга тайёрладилар. Светлана Савицкая универсал қўл асбоби ёрдамида металл пластинкаларни қирқиш, пайвандлаш, кавшарлаш ва юзига қоплама югиртириш операцияларини кетма-кет бажарди. Бу пайтда Владимир Жонибеков киносъёмка қилди ва телевизион репортаж олиб борди. Сўнгра космонавтлар жойларини алмаштирдилар ва ташриф экспедициясининг командири бошқа намуналар билан технологик операцияларни бажарди. Ишлар битганидан сўнг асбоб-ускуналар ва олинган намуналар ўтиш бўлмасига қайтарилди.

Космонавтлар ташқарига чиқиш якунловчи босқичида станциянинг ташқи юзида илгари ўрнатилган ва турли конструкцион материаллар билан очиқ космос шароитларида узоқ вақт бўлган панелларни кўчириб станция ичкарисига олиб ўтдилар.

Светлана Савицкая ва Владимир Жонибеков белгиланган ишларни муваффақиятли бажарганларидан сўнг станция ичига қайтиб кирдилар. Уларнинг очиқ космик фазо шароитларида бўлиш жами вақти 3 соату 35 минутга борди.

Космонавтлар Леонид Кизим, Владимир Соловьев, Олег Атьков ва Игорь Волк очиқ космосда иш олиб бориш чоғида станция системалари ва скафандрларнинг ишлашини контроль қилиб, Светлана Савицкая ва Владимир Жонибеков билан радио орқали алоқа боғлаб турдилар.

Очиқ космосда ишларни бажаришда орбитал комплекс экипажи белгиланган графикка тўла мувофиқ уюшқоқлик билан дадил ишлади. Космонавтларнинг соғлиғи яхши.

Дунёда биринчи марта аёл космонавт Светлана Савицкая очиқ космосга чиқди. Унинг космик фазо шароитларида ноёб экспериментларни муваффақиятли бажарганлиги кишн бошқарадиган орбитал комплекс ичидагина эмас, очиқ космосда ҳам мураккаб ишларни бажаришда аёлларнинг самарали фаолиятда бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

## ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. КПСС уставига мувофиқ ва партия комитетларининг таклифлари ҳисобга олиниб, партия группалари ва цех партия ташкилотларида 1984 йил август-сентябрь ойларида ва бошланғич партия ташкилотларида сентябрь-октябрь ойларида йиғилишларни ўтказишга қарор берилди. Бошланғич партия ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари ва тавсияларини бажариш соҳасидаги ишига доир масалалар коммунистлар йиғилишларининг диққат марказида туриши лозим, деб таъкидланди.

Марказий Комитет бюроси Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг фаолиятидаги жиддий камчиликлар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари асосида тармоқ ишининг самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Кейинги йилларда республика пахта тозалаш саноатида ғоят нохуш аҳвол рўй берганлиги: планлар бажарилмаётганлиги, тола олиниши камайиб, унинг сифати пасайиб бораётганлиги, хом ашё кўп нобуд бўлаётганлиги уқтириб ўтилди. Бу тармоқда қўшиб ёзиш, ўғирлик ва порахўрлик кенг ёйилган.

Ишдаги принципсизлик, давлат интизомини бузиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда тармоққа раҳбарлик қилиш соҳасидаги жиддий хатолари учун Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. Усмонов КПСС сафидан ўчирилди ва лавозимидан бўшатилди. Министрнинг биринчи ўринбосари А. Д. Сапон ва министр ўринбосари А. Акбаров ишдан бўшатилди ва уларга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди.

Республикадаги колхозлар, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда 1984 йилнинг биринчи ярми якунлари юзасидан чорвачиликнинг аҳволи кўриб чиқилди. Умуман олганда республикада гўшт, тухум, жун тайёрлаш олти ойлик планлари ва қоракўл тери харид қилиш йиллик плани ошириб бажарилди. Аммо чорвачиликни ривожлантиришда ҳануз анча орқада қолинмоқда. Кўпгина хўжаликлар мазкур тармоқни ривожлантириш билан суст шуғулланаётганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Айрим партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари вужудга келган аҳволни тузатиш амалий чораларини кўрмаяптилар. Партия комитетларига чорвадорлар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтириш, уларнинг куч-ғайратини маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга сафарбар этиш, интизом ва тартибга риоя қилиниши учун партия ташкилотларининг, раҳбарлар ва мутахассисларнинг масъулиятини ошириш, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши курашга алоҳида эътибор бериш таклиф этилди.

Ем-хашак тайёрлаш ва унинг сифатини яхшилаш соҳасида ташкилотчилик иши қандай уюштирилганлиги тўғрисида бир қатор область партия комитетларининг ахбороти тингланди. Мавжуд камчилик ва нуқсонларни йўқотиш, агросаноат комплекси меҳнаткашларини барча хўжаликларда чорвачиликни озуқа билан таъминлашга сафарбар қилиш тадбирлари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги системасида план, давлат интизомига ва шартномаларда олинган мажбуриятларга қандай риоя қилинаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси республикадаги хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликка доир бошқа баъзи масалаларни ҳам кўриб чиқди.

## МАТБУОТ ЖАНГОВАР ВА ҲУЖУМКОР БЎЛСИН

26 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг талаблари қандай бажарилаётгани, матбуотнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини, унинг республикада содир бўлган салбий ҳодисалар ва тенденцияларга, партиявий турмушнинг ленинча нормаларидан чекиниш ҳолларига нисбатан принципиал позициясини якдиллик билан маъқулладилар. Матбуот ходимлари, деб таъкидланди кенгашда, пленум белгилаган тадбирларни амалга оширишда республика партия ташкилотининг чинакам жанговар, ишончли ёрдамчилари бўлишлари керак.

Республикада ҳозир кучли оммавий-пропаганда воситалари бор. Матбуот ходимларининг кўп минг кишилик отряди самарали ижодий ишлаши, бу ишни муттасил такомиллаштириши учун уларга зарур бўлган ҳамма шароит яратилган.

Республика журналистлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишга, иқтисодий ва социал ривожланишнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бироқ редакция коллективларининг фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми позициялари ва талаблари асосида танқидий баҳолаш зарур.

Ҳозир ҳар бир редакция жамики янги, чинакам илғор тажрибаларни қандай қўллаб - қувватлаётганлиги ва тарғиб қилаётганлиги, камчиликларни қандай очиб ташлаётганлиги, яроқсиз иш методларини фош қилаётганлиги, партия қўйган энг муҳим вазифаларни ҳал этишда қандай қатнашаётганлиги унинг ишига баҳо беришдаги бош мезон ҳисобланади. Принципиал тарзда гапириладиган бўлса, оммавий ахборот соҳасидаги ҳамма воситалар ҳам бу мезонга мувофиқ эмаслигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Республика матбуотида, телекўрсатув ва радио эшиттиришларида тез-тез фақат муваффақиятлар дабдаба билан гапирилади, ўткир муаммолар, ишдаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида кўпинча лом-мим дейилмайди.

Матбуот социал-иқтисодий программанинг энг муҳим қоидаларини рўёбга чиқаришда активроқ позицияда туриши керак. Бу гап аввало халқ хўжалигининг етакчи тармоқларига, озиқ-овқат ва энергетика программаларининг вазифаларини амалга ошириш, пахтачиликни юксалтириш, саноат маҳсулоти сифатини яхшилаш соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан контроллик қилишга тааллуқлидир.

Матбуот ходимлари олдида экономиканинг туб проблемаларини — саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги фан — техника тараққиёти, уни интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ҳамма резервлардан фойдаланиш масалаларини чуқур ва мунтазам таҳлил этиш вазифаси турибди. Газеталар, телевидение ва радио ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлмиш илғор тажрибани тарғиб қилиш билан бирга, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар, айрим коллективларнинг орқада қолиш сабабларини қатъият билан очиб ташлашлари, план ва мажбуриятлар бажарилмаслиги, хўжасизлик ва исрофгарчилик учун конкрет айбдорларни танқид қилишлари лозим.

Матбуот ходимлари турмушимиздаги турли — туман салбий ҳодисаларга тағин ҳам кескин қарши чиқишлари, бу камчиликлар тугатилишига ҳаракат қилишлари, коллективларда юксак талабчанлик, ҳар бир кишининг ўзига топширилган иш учун қаттиқ жавобгарлигини кучайтиришга кўмаклашадиган муҳитни вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

Кенгаш қатнашчилари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ходимлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми белгилаган йўлдан бориб, ўз зиммаларига партия юклаган юксак вазифани яхшироқ бажарадилар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги, беш йилликнинг иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этишдаги ролларини оширадилар, деб ишонтирдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Бакланов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашдилар. (ЎзТАГ).

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

**Пойтахт области меҳнат коллективлари давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализацияси ва унинг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг етти ойлик планини муддатидан илгари 27 июлда бажардилар. Ой охиригача пландагидан ташқари 48 миллион сўмлик ёки зиммага олинган социалистик мажбуриятларда назарда тутилганидан деярли 8 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинади.**

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

24 июль куни область ижроия комитетининг катта мажлислар залида 1983 йил якуни бўйича СССР Олий Совети Президиуми Фармонига биноан мукофотланганларга СССР орден ва медаллари, ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» ордени билан СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотларни область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Т. А. Алимов топширди. Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи директори Муҳамед Отажонов ва Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси Ихтибор Ирисбекова ўртоқларга Ленин ордени, Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси Ҳусан Омонтурдиевга Октябрь революцияси ордени, Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси Валентина Андреевна Користовага Меҳнат Қизил байроқ ордени топширилди.

Область бўйича ҳаммаси бўлиб 157 нафар қишлоқ хўжалиги илғорлари мукофотланди. Жумладан, 3 киши Октябрь революцияси, 16 киши Меҳнат Қизил Байроқ, 7 киши Халқлар дўстлиги, 23 киши Ҳурмат белгиси, 27 киши II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари, 79 киши медаллар билан тақдирланди. 81 нафар кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» ордени берилди. Улар орасида Бекобод районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ишчиси Ражабхон Шодиматова, Паркент районидаги «Паркент» совхози ишчиси Фотима Болтаева, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси Назира Курчиева ва бошқалар бор.

Тантанада «Огонёк» совхоз-заводи директори М. Отажонов, қаҳрамон она Саломат Абдуллаева, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Туроб Бўрибоев ўртоқлар мукофотланганлар номидан сўзга чиқдилар. Ўзларининг камтарона меҳнатлари муносиб баҳоланганлиги учун партия ва ҳукуматимизга самимий миннатдорчилик билдирдилар.



● ОМИНА Ҳамидова Бекобод районидаги «Авангард» совхозининг тажрибали бригада бошлиғидир. У етакчилик қилаётган коллектив деҳқонлари бу йил 95 гектар ердаги пахтанинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш учун меҳнат қилишяпти. Дала ишларининг муддатида ва сифатли бажарилишида бригада бошчилиғининг ўзи бош-қош бўлаётир.

Суратда: О. Ҳамидова ва бўлимнинг катта агрономи М. Мирзаев ўртоқлар ғўза ривожини кўздан кечиришмоқда.

А. Мальцев фотолари.

## МАРРА 50 ЦЕНТНЕР

ҲАМРО Ҳолдоров бошчилик қилаётган бригада Ғалаба районидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалигида пешқадамлар сафида тилга олинади. Бу бежиз эмас. Бригадада ҳар қандай шароитда ҳам мунтазам «оқ олтин»дан мўл ҳосил олиб келинмоқда. Биргина ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида пахтакорлар 140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39,5 центнердан хирмон кўтардилар.

Республикамизнинг юбилейи нишонланадиган 1984 йилда бу коллектив деҳқонлари янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

О. СЎПИХОНОВ.

**●Коммунистик районидаги Свердлов номли колхознинг Саидкарим Исмонқулов бошчилик қилаётган 12-бригадаси пахтакорлари юбилей йилида 60 гектар майдондаги пахтанинг ҳар гектаридан 45 центнердан, 70 гектар ердаги канопнинг гектаридан эса 250 центнердан ҳосил олиш мажбуриятини қабул қилишган. Айни кунларда бригада далаларида мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун қизғин кураш кетяпти. Экинларни ўз вақтида суғоришда сувчи Кулат Коленов жонбозлик кўрсатяпти. Суратда: К. Каленов.**



## НОЗ-НЕЪМАТЛАР—ШАҲАРЛИКЛАРГА

ШАҲАРЛИКЛАР дастурхонини сархил мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўкин қилишга Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Хўжалик далаларида ҳалол меҳнат эвазига етиштирилаётган мева-сабзавотлар ғарқ пишмоқда. Шу кунларда Жўра Жанисбоев етакчилик қилаётган бригадада картошка ҳосилини йиғиштириб олиш қизғин бормоқда.

— Ҳозиргача пландаги 42 тонна ўрнига 46 тонна карам ва 44 тонна картошка топшириб, зиммамиздаги планларни ортиғи билан адо этдик, — дейди бригада бошлиғи Ж. Жанисбоев, — айни пайтда сўнгги гектарлардаги картошкани ковлаб олиб мажбурият ҳисобига топшираяпмиз. Исабек Иброҳимов, Шукур Шерматов каби механизаторларимиз ҳосилни пешма-пеш ташиб, савдо тармоқларига етказиб бермоқдалар.

Хўжаликнинг Степан Тен етакчилик қилаётган бригадаси сабзавоткорлари ҳам илғорлардан ўрнак олиб меҳнат қилишяпти. Бу бригадада тайёрланган 46 тонна карам, 41 тонна картошка ва 35 тонна мева маҳсулотлари шаҳарликларга тортиқ қилинди.

А. РИҲСИБОЕВ.

## БУГУН ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

**Бугун бутун республикамизда бўлгани сингари Тошкент шаҳри ва пойтахт областида ҳам ягона сиёсий кун ўтказилади.**

**Ишлаб чиқариш коллективларида, ташкилот ва муассасаларда бўлиб ўтадиган докладлар ва суҳбатлар «Меҳнат коллективлари ва раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, уларнинг баҳамжиҳат ишлаши — социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим шартидир» деган мавзуга бағишланади.**

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

**26 июлда Тошкент область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда комиссия раиси А. Н. Кудинов 1984 йилнинг биринчи ярмида бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берди.**

**Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг IV пленуми қарорлари асосида ревизия комиссияси фаолиятини янада кучайтириш тадбирлари белгиланди.**

**Мажлисда бир қатор комиссия аъзоларининг ўз вазифаларини қандай бажараётганликлари юзасидан ҳисоботлари тингланди.**

## ЮКСАК ИШОНЧГА ЖАВОБАН

Тожи Арсломованинг Меҳнат Қизил байроқ ордени билан тақдирланганлиги ҳақидаги хушхабардан Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози меҳнаткашлари бир зумда огоҳ бўлишди. Бу бригада коллективи ўтган йили 51 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пландаги 906 тонна ўрнига 1304,5 тонна турли хил маҳсулот тайёрлашга муяссар бўлган эди. Ана шу ютуқлар эвазига бригада бошлиғи партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлди.

Тожихон опа қарийб қирқ йилдан буён деҳқончилик билан машғул. Сўнгги йигирма йил давомида эса хўжаликдаги юқори ҳосилли, илғор бригадалардан бирига раҳбарлик қилиб келаяпти. Унинг тадбиркорлиги, коллектив билан бамаслаҳат иш юритаётганлиги туфайли бригадада ҳар йили йиллик план-топшириқлари ортиғи билан бажарилмоқда. Эл дастурхонига 1000—1300 тоннадан ортиқ сабзавот, картошка ҳосили тортиқ қилиняпти.

Бу йил бригада деҳқонлари 11 гектар майдонда картошка, 26 гектар ерда сабзавот экинлари етиштиришмоқда. Ҳозиргача пишиб етилган 400 тоннадан ортиқ маҳсулот истеъмолчилар учун жўнатилди. Бу борада бригаданинг Абдуллажон Хўжаназаров, Қумри Ғофурова, Раҳима Иноятова, Шоира Зиёвуддинова каби аъзолари бошқаларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар сабзавот экинларини йиғиштириб олишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Т. ЖЎРАЕВ.

## БИР ТАН, БИР ЖОН БЎЛИБ

● В. И. ЛЕНИН номидаги Бекобод металлургия заводида Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган социалистик мусобақа тобора қизғин тус олмоқда. Мусобақага мунтазам якун ясаб борилиши эса янги ғолибларни аниқлаш имконини беряпти. Жумладан, июнь ойида СССР фахрий металлурги Петр Киндинов меҳнат беллашувида пешқадамлик қилиб, пландан ташқари шартли 95 тонна прокат тайёрлаб берган эди.

Яқинда мусобақанинг навбатдаги босқичига якун ясалди. Мастер А. Мустафоев бошчилигидаги комплекс бригада ғолиб деб топилди. Коллективнинг бу ютуғида сим ўровчи У. Усеинов, М. Қодиров, А. Ким сингари металлургларнинг муносиб ҳиссалари бор. Улар ҳар борада касбдошларига намуна бўлиб, коллективда меҳнат кўтаринкилигини таъминлашда жонбозлик кўрсатдилар.

М. АКМАЛОВ.

## КПСС ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**«КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ҳамда қарорлари» тўпламининг КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган тўққизинчи нашрининг учинчи томи босилиб чиқди. Унга партиянинг 1922 йил декабридан 1925 йил декабригача бўлган фаолияти тўғрисидаги энг муҳим ҳужжатлар киритилган.**

**Том В. И. Лениннинг аслида сиёсий васияти бўлмиш сўнгги хатлари ва мақолалари (1922 йил декабрь —1923 йил март) билан очилади.**

**Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди.**

**(ТАСС).**

*«ДУМАЛОҚ СТОЛ» АТРОФИДА ДАВРА СУҲБАТИ*

# АГИТАТОРНИНГ СЎЗИ ВА ИШИ — БЕШ ЙИЛЛИК ХИЗМАТИДА

**ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ПЕРСПЕКТИВ ПЛАНИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ОҒЗАКИ-СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИНИНГ ИШ ТАЖРИБАЛАРИ УМУМЛАШТИРИЛДИ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ.**

**Оғзаки-сиёсий агитация партия ғоявий-тарбиявий фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Омма билан жонли мулоқот конкрет мисоллар ва фактлар асосида жамиятимиз эришаётган муваффақиятларни кўрсатиб беришга, партиямиз сиёсатини кенг тушунтиришга, социалистик мусобақа ривожига таъсир ўтказишга, меҳнаткашлар активлигини оширишга, омманинг талаб ва истакларини англаб етишга, камчиликлар, қийинчиликлар ҳақида очиқчасига фикр юритиш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилашга, бир сўз билан айтганда партия сўзини ҳар бир киши онгига етказишга ёрдам беради.**

**Идеология ишлари перспектив плани бўйича область партия ташкилотида ўтказилган давра суҳбатида меҳнаткашларни ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажаришга сафарбар этишда оғзаки-сиёсий агитация кадрлари иш тажрибаси умумлаштирилди ва навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.**

**Бу масалани муҳокама қилишда Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари М. В. Нуритдинова, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари М. М. Аширматов, Коммунистик районидаги «Правда» колхози партия комитетининг секретари Г. И. Ли, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари, оммавий-сиёсий ишлар бўйича совет раиси Ю. В. Ли, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси партия комитетининг секретари К. Қуттибоев, «Союзцветметремонт» бирлашмаси Ўзбекистон ремонт-қурилиш бошқармаси агитколлективи раҳбари В. П. Файгилев ўртоқлар иштирок этдилар.**

**Қуйида уларнинг сўзи билан танишасиз.**

**М. В. НУРИТДИНОВА:** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область партия комитетининг IV пленуми ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни тубдан яхшилаш, коммунистларни тарбиялашда партия ташкилотлари масъулиятини ошириш, барча меҳнаткашларда актив ҳаётий позицияни вужудга келтиришдек муҳим масалаларни ўртага қўйди. Шаҳар партия ташкилоти пленум қўйган талабларни бажара бориб, ўз фаолиятида меҳнаткашларни ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда оғзаки-сиёсий агитация кадрлари ишини янада яхшилашга интилмоқда.

Шаҳримизда КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини пландан ташқари ярим процент камайтириш учун қизғин кураш кетяпти. Шу марра сари интилиб, ярим йил ичида 3 миллион 56 минг сўмлик кўп кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Шаҳар сиёсий ахборотчилари ва агитаторлари мусобақа мазмунига яна ҳам чуқурроқ кириб бормоқдалар, унинг ошкоралигини таъминлашга эътиборни қаратмоқдалар, меҳнатни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг самарали формаларини қидириб топмоқдалар. Илғорларнинг юксак иш кўрсаткичи, новаторларнинг қимматли ҳаракати коллектив мулки бўлиб қолмоқда. Бу соҳада 2-босмахона муқоваловчиси коммунистик меҳнат зарбдори Лилия Богданова маҳорати устида алоҳида тўхталиш керак. Лилия Богданова корхонанинг энг актив агитатор-мураббийсидир. У Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги байрамигача етти йилликка тенг топшириқни бажаришга сўз берган. Шу санагача босма цехи агитаторлари Х. Туроббоев, А. Умарқулов, И. Юсуповалар беш йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқдалар.

Металл пластмассалари заводи 11 оғзаки-сиёсий агитация активисти меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш йўли билан Ғалаба кунигача 1985 йилнинг биринчи ярми топшириғини бажаришга аҳд қилган.

Меҳнаткашлар ижодий ташаббускорлигини оширишда мураббий агитаторлар роли катта бўляпти. Шаҳримизда 2 мингдан ортиқ мураббий агитатор бор. Қишлоқ хўжалиги деталлари, металл пластмасса заводлари, 107-автокорхона коллективлари бу соҳада бой тажриба тўплаганлар. Мураббий агитаторлар ёшларни тарбиялашда, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишда партия ташкилотларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва область партия комитетининг IV пленуми қарорларида ҳақли равишда таъкидланганидек, айрим бошланғич партия ташкилотларида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми талабларига ҳали тўла жавоб бермайди. Оммавий-сиёсий ишлар кўп ҳолларда ҳўжакўрсин учун ўтказилади, коллективнинг конкрет вазифалари билан боғланмайди. Шу боисдан ҳам илғор коллективлар қаторида ҳамон қолоқлар судралиб келмоқда. Агитаторларнинг тарбиявий ишлари таъсирчан бўлганида қолоқлар сафи яна ҳам қисқарган, илғорлар сафи яна ҳам кенгайган бўлар эди.

**М. М. АШИРМАТОВ:** — Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати ишчилари «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз» деган шиорни баланд кўтарганлар. Шонли сана шарафига 22 та цех, 31 та участка, 181 та бригада оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган. Йилимизнинг дастлабки ярмида коллективимиз яхши меҳнат қилди. Маҳсулот етказиб бериш топшириғи тўла-тўкис адо этилди. Ялпи маҳсулотда олий категорияли маҳсулотлар салмоғи 39,8 процентни ташкил этди.

Мусобақага оператив раҳбарлик қилиш ва унинг боришини назорат этиш бўйича махсус комиссия тузилган. Партия ва касаба союз ташкилотлари вакиллари, етакчи мутахассислар комиссияга аъзо бўлиб киришган. Ишлаб чиқилган системалар бўйича кўрсаткичлар кун сайин таҳлил қилиб борилмоқда. Кундалик иш якунлари махсус тахталарда ҳаммага маълум қилинаяпти.

Биз меҳнатда эришаётган ютуқларни ва илғор тажрибаларни турли йўналишлар бўйлаб ёймоқдамиз. Коммунистик меҳнат мактаби, илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Плакат-варақалар чиқарилмоқда. Бу ишларни бажаришда агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар актив иштирок этмоқдалар. Мисол учун 7-цех комплекс бригадаси бошлиғи агитатор Б. Абдураҳимовнинг иш тажрибаларига назар ташлайлик. Бригада ташкил этилгунга қадар ҳар бир киши ўзича ишлар эди. Топшириқни бажариш пайтида ёнидаги ўртоғи нима билан машғул бўлаётганини ҳатто

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

билмасди ҳам. Агитатор Б. Абдураҳимовнинг таклифи билан силлиқловчи, сим ўровчи, темирчи, пайвандловчи ва контролёрдан иборат махсус бригада тузилди. Пировард натижага қараб уларга иш ҳақи тўланадиган бўлди. Бу иш яхши натижа берди.

Владимир Ражабов ўн йилдан бери сим ўровчи бўлиб ишлаб келяпти. Моҳирликда унинг олдига тушадиганлар камдан кам. В. Ражабов беш йиллик топшириғини 2,5 йилда бажариш юзасидан бошланган ташаббусга қўшилиб, ҳозир ўз ваъдасининг устидан чиқмоқда. У айни пайтда энг актив агитатор ҳамдир. Суҳбатлар чоғида дўстларига кўпроқ ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб беради.

Корхонамизда республиканинг илғор ўн беш ишчиси бошлаб берган ташаббусни кенг ёйишда ҳар бир агитатор актив қатнашяпти. Тажрибаларни ёйиш туфайли меҳнат унумдорлиги ортмоқда, маҳсулот таннархи арзонлашмоқда.

**Г. И. ЛИ:** — Колхозимиздаги мавжуд далачилик бригадалари, чорвачилик фермалари ва бошқа жойларда 50 агитатор омма орасида иш олиб боряпти. Уларнинг кўпчилиги коммунистлар, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Агитатор иши самараси кўп жиҳатдан суҳбатда келтириладиган фактларга боғлиқ. У фактларни танлай билиши ва меҳнаткашларни актив ҳаракатга келтира олиши керак. Қозоқбой Тошбоев, Валентин Ли, Шоир Ҳамидов, Тўхтамурод Имонқулов, Одил Икромов каби энг яхши агитаторлар суҳбатида кўпчиликни тўлқинлантирадиган мавзулар жамланган бўлади. Улар дала шийпонларида кундалик газета ва журналларнинг бўлишини таъминлайдилар, шу кун руҳини берувчи шиор ва плакатларни осиб қўядилар, даъваткор кўргазмали агитациядан кенг кўламда фойдаланадилар.

Биз агитаторлардан кўргазма тахтасини ҳар куни тўлдириб боришни талаб қилмоқдамиз. Унда ҳар бир бригада аъзоси ўз фаолиятидаги муҳим кўрсаткичлардан вақтида хабардор бўлади, ишлаб чиқариш нормаси ва тўланадиган иш ҳақини, ўтказиладиган маданий тадбирларни билиб олади.

Коллектив ўртасида бўлаётган суҳбатлар чоғида агитаторлар КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажариш ҳар бир кишининг ҳалол меҳнатига боғлиқ эканлигини омма онгига етказмоқдалар.

Суҳбатлар пайтида колхозчилар айрим масалалар хусусида шикоят қиладилар, таклиф ва мулоҳазалар билдирадилар. Агитатор кишилар фикрини охиригача тинглаб, зарур хулосалар чиқариши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриши керак. Шундагина агитатор одамларнинг ишончини ва меҳрини қозонади.

Биздаги ҳамма агитаторлар ҳам бирдек яхши ишлашяпти, деб айтолмайман. Топшириққа шунчаки муносабатда бўлаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Партия комитети хўжаликда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари шу кун талабига тўла жавоб бериши учун ҳали кўп иш қилмоғи керак.

Илгарилари агитаторлар одатда ўрта раҳбар бўғиндан — агрономлардан, механиклардан тасдиқланар эди. Эндиликда меҳнатни ташкил этишнинг янгича усули жорий этилаётгандан бери бригадирлар, илғор механизаторлар, сувчилардан агитаторлар тасдиқлашга эътибор кучаймоқда. Дастлаб улар оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда бироз қийналдилар. Лекин кўрсатилган зарур ёрдамдан сўнг агитатор, сиёсий ахборотчи сифатида топшириқларни муваффақиятли адо этмоқдалар. Оғзаки-сиёсий агитация кадрлари учун ойда бир марта семинар машғулотлари ташкил этиляпти.

**Ю. В. ЛИ:** — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Жанар Ёқубова бошлиқ бригадаси аъзолари биринчилар қатори меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системасига ўтиб ишлай бошладилар. Кейинчалик янги усул қолган 8 та пахтачилик бригадасида ҳам жорий этилди. Ҳамма ўз ишини билиб қилади. Ҳар бир киши кўп ва сифатли меҳнат қилишдан моддий манфаатдордир.

Коллективимизда 26 та агитатор бор. Жанар Ёқубова уларнинг биридир. Агитаторлар бригададаги ўз ўртоқлари билан ёнма-ён меҳнат қилиб, улар кайфиятини, қизиқишларини ва эҳтиёжларини пухта ўрганмоқдалар, шунга қараб суҳбатлар ўтказишади.

**К. ҚУТТИБОЕВ:** — Совхоз партия ташкилоти, оммавий-сиёсий ишлар бўйича тузилган совет мусобақа мазмунига кириб боришга, унинг ошкоралигини таъминлашга, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш формаларини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Ғолиблар шарафига шуҳрат байроқлари кўтарилаяпти, улар номи Ҳурмат тахтаси ва ҳурмат китобига ёзилаяпти.

Оммавий-сиёсий ишлар бўйича тузилган совет мусобақани ривожлантириш кўп жиҳатдан тарбиявий ишларга боғлиқ эканлигини яхши билади. Ўтган йили чўчқаларни бўрдоқига боқиш цехи оператори Лариса Беликова чўчқаларни кунига ярим килограммдан семиртиришга сўз берди. Сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга бу илғор ишчи тажрибасини ёйиш ва унинг аҳамиятини коллектив ўртасида кенг тушунтириш топширилди. Натижада операторларнинг иш самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Ҳозирги кунда бошқа ишчилар ҳам чўчқаларни кунига ярим килограммдан семиртиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Хўжалигимиз асосан чўчқа гўшти етиштиришга ихтисослашган. Лойиҳа қувватига эришгач, у йил сайин 12,5 минг тонна гўшт етказиб беради. Коллектив йил сайин кўрсаткичларни яхшилаб бормоқда. Шунга қарамай ишимизда баъзи нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Сут, тухум, айрим деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда белгиланган марралар эгалланмай қолаяпти. Суҳбатлар чоғида коллектив эътибори мана шу соҳадаги вазифаларга қаратиляпти.

Оммавий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида биз агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар ўқувини ташкил этганмиз. Совет аъзолари суҳбатларда қатнашиб, цех ва бўлимларда оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилмоқдалар.

Йўл қўйилаётган нуқсонларни тугатишга ёрдам бермоқдалар. Ой сайин идеология активи ўқув машғулотлари ўтиб турибди. Машғулотларда партия ва давлатимизнинг актуал ички ва ташқи сиёсати ҳақида маълумотлар берилмоқда, вазифалар белгилаб олинмоқда. Кўп ҳолларда совхоз директори Г. П. Гриценко, район партия комитетининг маъсул ходимлари машғулотларда қизиқарли суҳбатлар билан чиқмоқдалар. Буларнинг барчаси оғзаки агитациянинг даъваткор кучини оширишга ёрдам беряпти.

**В. П. ФАЙГИЛЕВ:** — Бошқармамиз партия ташкилоти сафига 173 коммунист бирлашган. Партия комитети бошқа муҳим масалалар қатори оғзаки-сиёсий агитация кадрлари активлиги ва маҳоратини ошириш устида ҳам алоҳида қайғурмоқда. Мен раҳбарлик қилаётган агитколлективда 42 агитатор бор. Уларнинг кўпчилиги мастер, бригада бошлиғи бўлиб ишлашади. Ҳар бир агитатор ташкилотчилик тажрибасига ва зарур сиёсий билимларга эгадир. Айниқса, Э. Кантакузин фаолияти диққатга сазовордир. У биринчилар қатори меҳнатга ҳақ тўлашнинг бригада формасини кенг тарғиб қилди. Ҳозир янги усул барча жойларда қарор топмоқда.

Агитаторлар ускуналарни ремонт қилиш сифатига ҳам эътиборни қаратмоқдалар. Агитатор А. Б. Ким кундалик суҳбатлар давомида техник ҳужжатларда қўйилган талабларга амал қилиш, ремонт технологиясини тўғри ташкил этиш зарурлигини уқтиради. Ҳозир коллективимиз кон-металлургия комбинатида асосий ускуналарни капитал ва жорий ремонт қилиш билан банддир.

Бошқармамиз дастлабки ярим йиллик топшириғини ортиғи билан адо этди. Иш вақтини бекорга йўқотиш қисқарди, ремонт ишлари тезлашди. Бу участкамизда меҳнат интизоми мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда агитаторларимиз ишлари ва сўзлари билан беш йилликка хизмат қилмоқдалар, меҳнаткашларни зиммадаги топшириқларни муваффақиятли бажаришга даъват этмоқдалар.



● ОЛМАЛИҚ гилам фабрикасининг илғор ишчиси Баҳри Абдуҳолиқова Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қадар йиллик шахсий планини бажариш мақсадида фидокорона ишламоқда. Кўп йиллардан буён орттирган бой тажрибаси бу моҳир тўқувчига белгиланган маррани эгаллашида қўл келяпти.

Суратда: Баҳри Абдуҳолиқова маҳсулот тайёрламоқда.

В. Сироткин фотоси.

## МУСОБАҚА АСОСИДА

**ОЛМАЛИҚ гилам фабрикасида мусобақанинг турли формаларидан кенг фойдаланиш яхши самара бермоқда. Жумладан, кўпчилик бригадалар коммунистик меҳнат коллективи, ишлаб чиқариш илғорлари эса коммунистик меҳнат зарбдорлари деган юксак номни олиш учун курашмоқдалар.**

**Яқинда фабриканинг 107 нафар ишчиси шу номга лойиқ эканликларини яна бир бор тасдиқладилар. 87 киши эса илк бор коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олишга муяссар бўлди. Ҳозир фабрикадаги ҳар уч ишчининг бири ана шу номга эга.**

**Меҳнат коллективлари ўртасида ўтказилган мусобақанинг дастлабки натижалари маълум бўлди. Фабриканинг олтита коллективи — танда қўйиш цехининг М. Муродов ва А. Ҳакимов, гилам цехининг В. Марченко, А. Холматов, С. Уздибоев ва А. Гараев бошчилигидаги бригадалар коммунистик меҳнат бригадаси номига лойиқ деб топилди.**

М. МИРАЛИМОВ.

## УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

«САНТЕХЛИТ» заводи коллективи меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этмоқда. Илғор корхона ишчи-хизматчилари бу муҳим техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш юзасидан зиммасига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан уддаламоқдалар. Айниқса, меҳнат унумдорлигини оширишда қувончли натижаларга эришиляпти.

Шу йилнинг ўтган олти ойи якунлари буни яққол кўрсатиб турибди. Шу давр мобайнида меҳнат унумдорлиги ҳар бир ишловчи ҳисобига пландагига нисбатан анча ортди. Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда эса деярли 8 процент ошди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан кўпгина ташкилий-техникавий тадбирлар кўрилганлиги ана шундай муваффақият омили бўлди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, қўл меҳнати сарфини камайтириш коллектив фаолияти натижаларининг салмоқли бўлишига олиб келмоқда. Шу туфайли ҳам товар маҳсулоти ишлаб чиқариш олти ойлик топшириғи анча зиёдаси билан адо этилди. Қўшимча салкам 500 минг сўмлик турли-туман бинокорлик материаллари, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди ҳамда реализация қилинди.

М. МИРҲАМИДОВ.



*ҚУТЛОВ*

# «ОТА»

ФАБРИКАДА ҳеч ким уни исм-фамилиясини атаб чақирмайди. Уни доимо «Ота» деб аташади. Директор ҳам бунга кўникиб кетган. Ишчилар унга, кези келганда, отага суянгандек суянишади, ўз ўрнида худди шу тарзда ҳайиқиб ҳам туришади. Йўқ, директорнинг койишидан, киши дилини оғритишидан ҳайиқишмайди (ота бундай қилмайди ҳам), бошлиқ «бу инсофдан эмас!» деб аразлаган кишидек гаплашмай қўйишидан қўрқишади.

...Фабрикага киришимиз биланоқ сменадан бўшаб, қизғин суҳбатлашаётган ишчиларга рўбарў келдик. Салом-аликдан сўнг мақсадимизни билдирдик. Чеҳралари алланечук ёришиб кетди. Ҳамма қаҳрамонимиз ҳақида гапириб беришга ошиқди...

Кейин жам бўлишиб, ўрта ёшли ишчига қараб ,«Ўринбой ака, сиз бошлаб бера қолинг» дея жим бўлишди.

— «Ота» ҳақида тонготар гапиришим мумкин. Лекин бу мақтовларни бошқача тушунманг. Ота ҳақида фақат тўлиб-тошиб гапираётганимни баъзида ўзим ҳам билмай қоламан. Ҳар қалай олдин обдон ўлчаб, кейин пухта ўйлаш томиримизга сингиб кетган. Слесарь-созловчи бўлиб ишлаганимга мана 22 йил тўлди. Шу вақт мобайнида турли йилларда тўртта директор ишлади. Лекин Шоислом Ғуломов раҳбар бўлганларидан сўнг кескин ўзгаришларни ҳис эта бошладик. Чунки Тошкент шаҳар Совети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли «Октябрь 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу филиали иши дастлабки кезларда орқага кетганди...

Фабрикамиз тез орада қайта реконструкция қилинди. 10 та янги тикув участкаси яратилди, улар янги, замонавий дастгоҳлар билан таъминланди.

Галдаги энг муҳим вазифа коллективлардаги ишчанлик руҳини юксалтириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашдан иборат эди. Ана шу ўринда директор бригада пудратини жорий этиш зарурлигини ҳам ҳаммага тушунтира олди. Бригада пудрати усулига ўтиш, унинг ажойиб самараларидан баҳраманд бўлиш тўғрисидаги таклифга кўпчилик бирдек қўшилди.

1983 йил январь ойида мавжуд 10 та тикув участкасидан 5 тасида бригада пудрати жорий қилинди. Прогрессив усул амал қила бошлагач ўз-ўзидан кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Чунки ҳар бир тикувчи ўз ишлаб чиқариш кўрсаткичлари орқали иш ҳақини, мукофотини белгилашини ҳис эта бошлади. Участкалардаги барча ишчилар бир йўла 4—5 хил операцияни бажаришни ўрганишга киришганликларининг боиси ҳам шундан эди. Чунки отпускага чиққан, бетоб бўлиб қолган, умуман, турли сабабларга кўра ўз иш жойини эгалламаган чеварларнинг ўрнини ҳам босган ҳолда озчилик билан кундалик иш планини уддалаш, ишни тўхтовсиз давом эттириш талаб этиларди.

Хуллас, Шоислом Ғуломовичнинг ташаббуси билан илғор усуллар қўлланилиши натижасида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юксалди, шу участкаларда маҳсулот сифати планга нисбатан 1,5 процент яхшиланди. Ойлик план эса дастлаб бир кун илгари бажарилди.

— Корхонамизнинг иш натижалари тобора қувончли бўла борди, — дея суҳбатга қўшилди илғор чеварлар етакчиси, мастер М. Исҳоқова. — Бригада усулига биринчилар қатори ўтган 5 та участкамиз 1983 йил 10 декабрида социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. 70 дан кўпроқ қўли гул чеварлар айни пайтда 1985 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. К. Абзалова, М. Азизова, У. Бундирова, М. Еремеева, И. Айтбоева, В. Боршева, Л. Эргашева, В. Кирюшная, П. Юртаева, В. Мельникова ва бошқалар ана шундай меҳнатсевар чеварлар жумласидандир.

Республикамизнинг 60 йиллик улкан тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида 1984 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, меҳнат унумдорлигини 3 процентга ошириш, кийим-кечакларга сарфланадиган ёрдамчи материалларни камида 0,5 процент тежаш учун курашмоқдамиз. Бу йил тайёр маҳсулот реализация қилиш планимиз қарийб 10 миллион сўмга етди. Айни пайтда эса барча резерв ва имкониятлар ана шу юксак мажбуриятларнинг бажарилишига сафарбар этилди. Ана шу ишларимизнинг барчасида Шоислом Ғуломовичнинг етакчилик роли сезилиб туради.

Ишчиларнинг ўз раҳбарлари ҳақидаги шундай илиқ сўзларни, мулоҳазаларни эшитиб директор кабинетига йўл оламиз. Шоислом Ғуломов нималарнидир хаёлидан ўтказиб, ўйчан ўтирибди... Бироз суҳбатдан сўнг хаёлидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб берди.

— 1941 йилнинг худди шу кунларини эслаб ўтирган эдим. Гомель шаҳри яқинида фашистлар снаряди қўпориб юборган чуқурга беҳол йиқилиб, қалин тупроқ остида кўмилиб кетгандим... Мендан кейин тўсатдан полкдошим Коля амакининг ҳам оёғини снаряд парчалари мажақлаб ташлаган экан. Кейинчалик уни қўлтиғидан ушлаб олиб кетишаётганда кўзи тупроқ уюмидан чиқиб турган милтиқ қўндоғига тушибди. У «милтиқни олинглар, душманга қолдирманглар», дебди. Солдатлардан бири қўндоқни тортса унинг ортидан одамнинг қўли осилиб чиқибди...

Одам кўриши мумкин бўлган қийинчиликларни кўрдим: очлик, муҳтожлик, жудолик, уруш даҳшатлари... Шунинг учун бировнинг дилини оғритгим келмайди, қўпол гапиришдан ўзимни тияман. Ичимга ютиб қўя қоламан. Лекин бу лоқайдлик эмас. Ишчилар ҳам характеримни тушуниб олишган. Хафа қилишимдан эмас, хафа бўлишимдан чўчиб туришади.

Фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 40 йиллиги бўсағасида турибмиз. Бу йил биринчи квартал якуни бўйича коллективимиз бирлашма кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотига сазовор бўлди. Лекин барча ишчилар ана шу шонли санани энг юқори меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олишга ҳаракат қилаётганликлари кишини қувонтиради.

Корхонада ким билан суҳбатлашмайлик бу ердаги меҳнат кўтаринкилиги, раҳбарнинг камтарлиги ва олижаноблиги ҳақида тўлқинланиб гапирар, айни пайтнинг ўзида «ота»нинг меҳнат йўли бошланганига 50 йил бўлганлигини қандайдир мамнуният билан таъкидлайдилар.

Биз Шоислом Ғуломовнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан унга энг яхши тилакларимизни изҳор этамиз.

**Р. ҚОДИРОВ,**
**СССР Журналистлар союзи аъзоси.**

**РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ВА ИХТИРОЧИЛИК ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЙЎЛ**

# 500 МИНГ СЎМ ТЕЖАЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 йиллиги номли Тошкент лакбўёқ заводи рационализаторларининг ижодий изланишлари самараси корхонанинг барча бўлинма ва участкаларида кўзга яққол ташланади. Улар ўзларининг техник ижодкорликлари билан камёб лак-бўёқлар тайёрлашни кўпайтириш, сифатини яхшилашга, иш жараёнларини такомиллаштириш, техника хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдалар. Улар томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилаётган таклифлардан ҳар йили юзларча минг сўмлик иқтисодий самара олиняпти.

Амалдаги йилнинг ўтган ойлари давомидаги изланишлари янада баракали бўлди. Улар ҳар қачонгидан ҳам салмоқли натижаларга эришдилар. Ҳар йили камида 120 минг сўмлик иқтисодий самара берувчи 30 дан зиёд таклиф ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Бунинг шарофати билан заводда меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди. Маҳсулотларнинг қатор янги зарур турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Владимир Михайлов, Виктор Котиков, Георгий Мирзаянц, Борис Мирголь сингари ўнлаб тиниб-тинчимас ишчилар, инженер-техник ходимлар, малакали мутахассислар ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари таклифлари асосида жорий қилинган янгиликлар катта самара берди.

Бу ютуқларга заводда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли ҳам эришилмоқда. Ўзида бир юз ўттиз янгилик ихлосмандларини бирлаштирган ижодий коллектив фидоийларининг муваффақиятли изланишлари учун заводда барча қулайликлар муҳайё этилган. Тушган ихтиролар ва таклифлар тез орада кўриб чиқилади. Нафи тегадиганларини жорий қилиш юзасидан зудлик билан чоралар кўрилади. Зарур бўлиб қолса, ижодкорларга етук мутахассислар малакали ёрдам, маслаҳат берадилар.

Ўзлари учун яратилган қулай шароитларда техник ижодкорлик кўламини йил сайин кенгайтираётган рационализаторлар сафи тобора кўпаймоқда. Малакали мутахассислар қатори ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар ҳам бу хайрли ишда фаол қатнашмоқдалар. 30 дан зиёд пешқадам ишчи рационализаторлик ҳаракатининг актив иштирокчисидир. Улар орасида Геннадий Ушаков, Сергей Вергун, Николай Теплицкий сингари ўз касбининг билимдонлари бор. Новаторларнинг бевосита иштироки билан қўл меҳнатини енгиллаштиришга оид кўпгина таклифлар юзага келди. Бу янгиликларни қўлланишда олинаётган фойда эса йилига ўн беш минг сўмликни ташкил этади.

Корхона ижодий коллективининг келгусидаги режалари янада катта. Улар йил охирига қадар жами билан 500 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирадиган таклиф ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этишга қатъий бел боғлашган. Уларнинг шу юксак маррани эгаллаш йўлидаги изланишларига муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

### АГИТБИРГАДАЛАР ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА

**РАЙОН маданий-оқартув муассасалари ходимлари хизматни дала шийпонларига кўчирдилар. Шу кунларда 6 та агитбригада график бўйича ишламоқда.**

«Далварзин» совхозида ташкил этилган агитбригада фаолияти ибратлидир. Бригада состави ҳаваскорлар, лекторлар ва кутубхоначилардан иборат.

Яқинда агитбригада навбатдаги хизматни Умарали Султонов бошлиқ бригаданинг дала шийпонида ташкил этди. Дала меҳнаткашлари агитатор Ўрозали Қўшмуродов, ҳаваскорлардан Рустам Маллаев, Эркин Азизов, кутубхоначилардан Мавлуда Холбоева, Мавлуда Орифхўжаевалар хизматини алоҳида таъкидладилар.

**А. БОБОНАЗАРОВ,**
**Бекобод райони.**

## ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР

# СУВ ОҚҚАН КУН

### ҚИССАДАН ПАРЧА

ЁЗНИНГ ўрталарига келиб ариқларда сув камайиб қолди. Қуёш қаттиқ қизариб турар, ғўзалар кўп сув талаб қиларди. Урушдан олдин колхозлар анча мустаҳкамланган йилларда ҳам бу ерларда сув танқис эди. Ҳозир эса катта ариқни ўт босиб, сув йўли анча тўсилиб қолганди. Мирсоат ака бир гуруҳ қиз-жувонларни бошлаб ариқ тозалашга бораркан, шу ариқ қазилган йилларни эслаб кетди.

Ўшанда Мирсоат ака ўспирин йигитча эди. Қишлоққа Яушев деган бир рус капиталисти келиб деҳқонларни пахта экишга ундай бошлади. «Нақд ақчага сотиб оламан, дерди у, аравада келтирасан-у, ҳақини санаб олаверасан». Дон экишга ўрганган деҳқонлар пахта эксак қандай бўларкин деб турли ўй-хаёлларга боришар, даромад ва буромадни хомчўт қилардилар. Пахта йил сайин ўзига йўл оча бошлади. Аввал қишлоқ аҳлининг ҳожатига яраб турган бир ариқ сув энди урвоқ ҳам бўлмай қолди. Ариқни кенгайтириш, чуқурроқ қазишга қарор қилинди.

Ариқнинг Ангренга бориб туташадиган машаққатли қисми қазилаётган кунларда содир бўлган бир фожиали воқеа унинг сира эсидан чиқмайди. Ариқ чуқур қазилганидан ҳар икки томонда тупроқ тепа бўлиб кетган, пастдаги тупроқ тик қирғоқда ўйилган токчаларга ирғитилар, сўнгра ташқарига чиқариб тўкилар эди, одамлар ҳар куни эрта тонгдан то қоронғи тушгунча терга ботиб ишлашарди.

Кўклам охирлаб кунлар исий бошлади. Ҳамманинг тинка-мадори қуриган, йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган кунлар келди. Дастлабки кунларда хонадонлардан ҳашарчиларга аталиб келиб турадиган оби-ёвғон ҳам камайиб қолганди. Тўхтатош элликбоши ишнинг секин бораётганидан дарғазаб бўлиб, қамчисини ўйнатиб ариқ тепасида бақириб-чақириб юрар, маҳалла оқсоқоллари билан тез-тез ғижиллашарди. Пастдан отилаётган тупроқни тепада суриб турган Қодирали деган йигит қоматини аранг ростлаб, кетмонига суяниб бир лаҳза нафас ростламоқчи бўлди-ю, элликбошининг келаётганини сезиб қолди.

— Падарингга лаънат, кетмон дастасига суянадиган пайтми, ҳозир. Энанг қазиб берадими?— сўкинди элликбоши.

Қодирали ўгирилиб қарашга ҳам улгурмади, элликбоши уни зарб билан итариб юборди. Ҳолдан тойиб, оёғида аранг турган йигит ўзини ўнглай олмай гандираклаб қўлидаги кетмони билан пастга қараб чирпирак бўлиб учиб кетди. Ариқ тубига, қаттиқ ерга боши билан келиб урилди. Шериклари чопиб келишиб, суяб турғизмоқчи бўлишди, лекин Қодирали беҳуш, йиқилган пайтда кетмон тиғи бўйин томирини қирқиб юборган эди. Ариқ ичи лахта-лахта қондан қип-қизил бўлиб кетганди.

Қодирали ҳушига келмай, эртаси куни жон берди. Ёлғиз боқувчидан ажралган кекса ота-она зор қақшаб қолаверишди. Дафн маросимида имом домла:

— Ҳар иш яратган парвардигордан. Олло-таоллонинг ижобатисиз аҳли мўминнинг баданидан бир тук ҳам тўкилмагай. Катта иш қурбонсиз бўлмас. Бул йигитнинг қони табаррук ариққа тўкилди. Пешонасида шу қисмат бор экан. Охири бахайр бўлгай,— деб ваъз айтди. У элликбошининг қилмишини қораламади ҳам, оқламади ҳам. Одам тақдирнинг ҳукми олдида ожиз, ҳар иш ёлғиз худодан, деб аҳли мўминни юпатди.

Ариқ қазиб тугалланди. Ангренга сепоялар, харсанг тошлар ташланиб, шох-шабба боғламлари босилиб тўғон қурилди, ариқ тўлиб сув оқа бошлади.

Сув оққан куннинг эртасига эрталаб одамлар ариқ ичида эгарлоғлиқ бир от юрганини кўриб қолишди. От сув кечиб ариқдан чиқа олмай анча ҳолдан тойган эди. Уни кечувга ҳайдаб келиб, сувдан чиқариб олишди. Бу Тўхтатош элликбошининг оти эди.

От нима сабабдан ариққа тушган, элликбошининг ўзи қаёқда? Ҳамма ҳайрон эди. Элликбоши кеча эрталаб уйдан чиққанича қайтиб келмаган, қаердалигини ҳеч ким билмасди. Кимдир уни кеча қўшни гузардаги бўзахонада кўрганини айтди. Элликбошининг қариндош-уруғлари талвасага тушиб қолишди. Ҳар томонга от чоптириб излашга тушишди. Лекин ҳеч қаердан топилмади. Ниҳоят уни ариқдан, сувдан қидира бошлашди.

Кечга яқин Тўхтатошнинг жасади ариқнинг қуйи томонидан топилди. Жасад сувда оқиб келиб кўприк устунига кўндаланг туриб қолган эди. Дарҳол миршаббоши етиб келди, ҳаммаёқни синчиклаб кўздан кечирди. Отнинг ариққа тушган жойини аниқлади. Ариқнинг бош қисмида тик қирғоқ ўпирилган, отнинг пастга сирғалиб тушгани, туёқларининг изи билиниб турарди. Афтидан от қамчиннинг зўри билан ариққа тушган эди. Бу ер Қодирали йиқилиб жон берган жой эди.

Миршаббоши бу фожиали воқеа қасддан қилинган, деб гумонсираб, кўп текширувлар ўтказди, ўнлаб одамларни сўроқ қилди. Лекин бирон бир ашёвий далил топа олмади. Жасадда ҳам ҳеч қандай зарба изи йўқ эди...

Қишлоққа оқиб келадиган сув икки баравар кўпайган бўлса-да, аксарият деҳқонларнинг экини ёлчиб сув ичмагани Мирсоат аканинг ҳамон эсида. Кўкламги тошқин пайтида ўзанига сиғмай, гоҳ у қирғоқни, гоҳ бу қирғоқни емириб оқадиган асов Ангрен бўтана сувларини шиддат билан Сирдарёга элтар, уни экинзорларга, боғ-роғларга буриб юборадиган куч йўқ эди. Саратон ва асад ойларида, экинлар ҳосилга кириб, айни сув талаб бўлганда дарё суви камайиб қолар, ариқ тубида имиллаб оқиб келгани қишлоқдаги бир неча оғзи катта, қўли узун бойларнинг еридан ортмас, ўнлаб деҳқон хонадонларининг не-не умидлар билан ўстирган экинлари қовжираб кетарди. Ўша йилларда қишлоқ оқсоқолларининг «Тўғонга, ҳамма тўғонга чиқсин» деб кичқириб, маҳаллама-маҳалла от чоптириб юрганини тез-тез кўриш мумкин эди. Деҳқонларнинг кўп вақти тўғон бошида ўтарди...

Ўша куни Мирсоат ака қаттиқ ишлади. Тиззадан то белигача сув кечиб ўт ўрар, қучоқ-қучоқ илиб қирғоққа ирғитарди. Қиз-жувонлар ҳам унга эргашди. Улар икки-уч чақирим чамаси ўт босган ариқни шу куниёқ тозалашга жазм қилишган эди...

* * *

Раиснинг торгина хонасига ўн беш-йигирма чоқли одам тўпланган. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, ўртада стол устида турган керосин лампа хира нур сочарди. Экин парвариши, ғўзани чанқатиб қўймаслик, ғалла ўримини бошлаш ва бошқа масалалар тўғрисида фикрлашиб олингач, район вакили Тожибоев папкасини очиб, бир қоғоз олди.

— Район партия комитетига колхоздан бир хат тушган,— деди у ва хатни ўқиб берди.

Хатда фронтга пахта сув билан ҳаводек зарурлиги, бутун куч пахта планини бажаришга сафарбар этилиши, колхоз уставига қатъий риоя қилиш ва ҳоказолар ёзилган бўлиб, асосий мазмуни қуйидагилардан иборат эди: «Қўрғонча қишлоғидаги «Ҳақиқат» колхозининг раиси Мирсоат Миртожиев пахта учун ажратилган уч гектар сувли ерга буғдой ва арпа эктирди. Пахта планини хавф остига қўйди».

Ўша йилларда саксон-юз гектар атрофида пахта экадиган майда колхозлар учун пахта майдонининг уч гектарга қисқариши планнинг бажарилишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

— Хат кимданлигини билсак бўладими?— сўради бригада бошлиқларидан бири.

— Бунинг аҳамияти йўқ,— совуққонлик билан жавоб берди Тожибоев,— гап пахта ерига дон экилгани тўғрими ё йўқми, шуни аниқлашда.

— Уч гектар сувли ерга дон экканимиз тўғри,— деди раис,— правление аъзолари билан бамаслаҳат, колхозчиларнинг умумий овқатини ўйлаб экканмиз.

— Демак пахта ерига дон экилгани тўғри. Мен район партия комитетига ахборот беришим керак,— Тожибоев алла-нарсаларни ёза бошлади,— агар пахта плани тўлмай қолса, бунга ким жавоб беради?

— Биз,— жавоб берди Мирсоат ака.

— Конкрет гапиринг.

— Мен. Правление аъзолари ҳам. Экиш планини бажарганмиз. Райондан саксон олти гектар ерга чигит экиш плани берилган. Бу юз фоиз бажарилган. Уч гектар бўз ерни ўзлаштириб чигит экканмиз.

— Ўша бўз ерга дон экилса бўлмасмиди?

— Донли экин чопиқ қилинмайди. Ўт босиб, ҳосил камаяди. Ғўзани чопиқ қилиб, дуруст ҳосил олиш мумкин.

— Райондан берилган планни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ,— Тожибоев масалага сиёсий тус бериб, ўз фикрини ўтказмоқчи бўларди,— фронтга пахта керак. Ҳа, ҳаво билан сувдай зарур.

Орага оғир жимлик чўкди.

— Кимда қандай фикр бор? Ким сўзга чиқади?— Тожибоев одамларга юзланди.

Ҳамма сукут сақлаб ўтирарди.

— Жим ўтира берамизми?— ўрнидан турди Тожибоев,— правлениенинг, шахсан Миртожиевнинг бу хатти-ҳаракати тегишли баҳосини олиши керак. Колхоз раҳбарлари район берган кўрсатмага бўйсунмай, ўз билганларича пахта ўрнига дон экаберса, пахта плани нима бўлади?

Правление аъзолари ҳам, бригада бошлиқлари ҳам бирон-бир фикр айтишга юраклари дов бермай ўтиришарди. Уполномачига қарши гапириб бўладими? У ўқимишли одам. Район раҳбарларидан бири. Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан деб бежиз айтишмаган.

— Менга сўз беринг,— орқа томондан қиз боланинг қўнғироқдай овози эшитилди. Ҳамма ўгирилиб қаради. Ойсеҳри тик турар, сал ҳаяжонланганидан юзи пушти ранг тус олганди.

—Мен звено бошлиғи бўлиб ишлайман,— деб бошлади сўзини у,— беш гектар еримиз бор. Ҳозир ғўзани икки марта чопиқ қилиб, икки сувдан чиқардик. Экиннинг авжи ёмон эмас. Ҳар гектар ердан планга қўшимча яна икки центнердан пахта беришга сўз бераман. Бошқа звено бошлиқларини ҳам шунга чақираман.

— Ўртоқ звено бошлиғи... Ҳа, фамилиянгиз? Олимбоева? Ўртоқ Олимбоева, масалага конкрет ёндошинг. Бу ерда гап райондан берилган топшириқни бажармаслик устида бораяпти.

— Ўзингиз айтдингиз-ку, пахта плани хавф остида қоладими ё бажариладими деб,—Ойсеҳрининг дадил гапи ҳаммага ёқиб тушди. Мирсоат ака бўлса мамнун қиёфада жилмайиб ўтирарди,— ҳамма гап шунга келиб тақаляпти-ку, тўғрими? Агар ҳар звенода ҳосилдорликни икки центнерга оширсак, ўша уч гектар бўз ерда ҳосил унмай қолган тақдирда ҳам план ортиғи билан уддаланади-ку!

Тожибоев бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Гектар бошига икки центнердан қўшимча пахта беришнинг ўзи бўлмайди,— луқма ташлади Матёқуб,— пландаги пахтани олсак ҳам катта гап. Йигирма тўрт центнердан пахта-я?!

— Ойсеҳрининг таклифига қўшиламиз,— орқадан овоз эшитилди.

— Мен ҳам икки центнердан қўшимча пахта топширишга сўз бераман!

— Тўғри!

— Дон ҳам керак! Омборда сичқонлар ҳасса таяниб юрибди.

— Ҳа, бўш қоп тик турмайди. Зоғора нонга ҳам қорнимиз тўймаяпти.

— Қорнинг тўқ бўлса ғўзани чуқур чопасан.

Мирсоат ака одамларга жим бўлинглар дегандай бургут қараш қилди. Ғала-ғовур босилди.

Тожибоев қўшимча пахта беришга сўз берган звено бошлиқларини номма-ном ёзиб олди. Шикоят хатининг активлар мажлисида муҳокама қилингани ва мажлис қарорини район партия комитетига маълум қилажагини айтди.

* * *

Матёқубнинг дов-дарахтларга кўмилган катта ҳовлисида якка қозиқда Тожибоевнинг чавкар оти қантариғлик турибди. Ичкаридан чиқиб келган уй эгаси отнинг айилини бўшатиб, бошидан юганини олди. Отга ем бериб яна уйга кириб кетди.

— Меҳмонни сийламоқчи бўлган мезбон аввало унинг отини сийлайди, деб хўп билиб айтилганда-да,—деди Тожибоев дастурхон кўтариб кирган Матёқубга кўз қирини ташлаб. У гилам ва кўрпачалар тўшалган, қирқинчи лампа ёқилган хонада юмшоқ болишларга ёнбошлаб ётарди.

Таом келтирилиб, қўлбола ичимликдан бир пиёладан сипқаришди.

— Буниси дуруст-ку, ютими енгил,— деди Тожибоев танаси яйраб.

— Қайроқи оқ буғдойни кўргандан кейин мусалласчининг кўзлари ўйнаб кетди,— Матёқуб бир пиёлани паққос симириб япроқ-япроқ қирқилган яхна гўштни оғзига солди. Бугун падари бузрукворингизни зиёрат қилиб келдим. Айтганингиздай бир қоп буғдой элтиб бердим. Дуо қилдилар. У кишининг дуолари биз учун олтин. Сизни сўрадилар. Сиҳат-саломатлик тилаб қолдилар.

— Саломат бўлғайлар,— Тожибоев аста бошини қимирлатиб қўйди,—қулоғингизда бўлсин, дўстим, мен у кишининг фарзанди ноқобили эканимни сиз билинг-у, мен билай. Яна бировга оғзингиздан гуллаб юрманг.

— Эсимни ебманми,— жавоб қилди Матёқуб.

Шундан кейин гап кеча бўлиб ўтган мажлисга кўчди. Раиснинг мавқеини аста-секин бўшаштириш тўғрисида зимдан тузган режаларининг биринчи қадами муваффақиятсиз чиққанидан ҳар иккови ҳам анча ҳушёр тортган эди.

—Ҳаёт—бу кураш,— кайфи оша бошлаган Тожибоев фалсафа сота бошлади,— рақибнинг юмшоқ жойини топиб уриш даркор. Колхозда илғор бригадирсиз, хўжаликни бундан буён сиз бошқарасиз. Ҳалигидай экиш планини бузишми, ҳаммасини ёзиб юриш керак бўлади. Сизга раисликни олиб бераман дедими, тамом. Гапнинг ўғилболаси шу.

— Балли, Саидкамол ака, бир умр хизматингиздаман... Ҳар галгидай оғиз-бурун ўпишадиган суҳбат узоқ давом этди.

Барот ШОНАЗАРОВ.

## ДУНЁ ОВОЗИ
### чет эл хабарлари

## БМТнинг доклади

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳида эълон қилинган доклад давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва бурчлари хартиясини амалга оширишга бағишланган. Бу докладда қуролсизланиш билан инсониятнинг социал-иқтисодий тараққиёти ўртасида мустаҳкам боғланиш борлигига яна эътибор жалб этилади. Шу хартия қабул қилинган кунга декабрь ойида 10 йил тўлади.

Қуролланиш пойгаси, дейилади докладда, жаҳон ресурсларининг тобора кўпроқ улушини эгаллаб, анчагина маблағларни ишлаб чиқариш секторлари ихтиёридан олиб қўймоқда ва бу билан давлатларнинг ривожланишини сусайтирмоқда.

Кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари хартияни амалга ошириш юзасидан БМТга топширган ахборотдан шу нарса маълумки, Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар қуролсизланишни ҳамиша социал-иқтисодий тараққиётни тезлатишнинг энг муҳим шарти, деб ҳисоблаб келмоқдалар.

## МАНАГУАДА СОВЕТ КИТОБИ КЎРГАЗМАСИ

МАНАГУА. (ТАСС). Сандиночилар халқ революцияси ғалабасининг 5 йиллиги арафасида Никарагуа пойтахтида совет китоби сотиладиган кўргазма очилди. Рус ва испан тилларида 500 дан ортиқ номдаги китоб кўргазмага қўйилган. Павильонга кира беришдаги қизил лентани Никарагуа миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Рафаэль Кордова Ривас қирқди.

Никарагуадаги янги совет кўргазмаси — иккала мамлакат халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган маданий алоқалар ва бузилмас дўстликнинг натижасидир, деди Никарагуа «Имельса» китоб фирмасининг директори Хулио Лопес. Тўрт йил мобайнида, деди у, Никарагуа Совет Иттифоқи билан муваффақиятли ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда. Бунга революциянинг ғалабаси туфайли эришиш мумкин бўлди. Бу революция халқимизга ўзининг ҳақиқий дўсти кимлигини ҳал этиш ҳуқуқини берди. Янги жамият қуриш йўлига кирган никарагуаликлар маънавий бойлик берадиган ва бошқа халқларнинг революцион тажрибасини ўрганишга кўмаклашадиган адабиётга муҳтождирлар.



● ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК автомобиль ишлаб чиқарувчилар «ТАТРА-815» маркали қудратли юк ташувчи машина ярата бошладилар. Янги машиналар аввалгиларидан бир неча сифатлари билан фарқ қилади. Жумладан, улар капитал ремонтсиз 450 минг километр йўл босиши мумкин. «ТАТРА-815» машиналарининг асосий қисми Совет Иттифоқига импорт қилинади. Бу машиналар СССРнинг қийин иқлим шароитли зоналари, Ғарбий Сибирь нефть конларида ишлатилади. Суратда: «ТАТРА-815» юк ташувчи машиналарини йиғув пайти.

ЧТК—ТАСС фотоси.

## ИСРОИЛ: ЭСКИ ЙЎЛДАН

ДАМАШҚ. (ТАСС). Исроилда 23 июль куни ўтказилган муддатидан аввалги парламент сайлови вақтида берилган овозларни санаб чиқиш давом этмоқда. Ҳозиргача ўнг партияларнинг ҳукмрон «Ликуд» блоки 41 ўрин олганлиги маълум бўлди. Унинг асосий рақиби оппозициядаги Исроил меҳнат партияси 120 ўриндан 45 тасини олган. Исроил Коммунистик партияси кнессетдаги 4 ўринни сақлаб қолган. Қолган мандатлар 12 та майда партиялар ўртасида тақсимланди.

Партиялардан биронтаси кнессетдаги зарур кўпчилик ўринни олмаганлиги сабабли ҳукумат коалиция асосидагина тузилиши мумкин. «Ликуд» блокининг баъзи ўнг партиялар билан коалиция тузиш имкониятлари кўпроқ, деб ҳисобланмоқда.

Араб сиёсий доираларида ўта ўнг, экстремист кучларнинг намояндалари бу галги сайловда депутатлик мандатларини олишга муваффақ бўлганликлари факти уқтирилмоқда. Ҳатто ашаддий террорчи М. Каханe сингари разил шахс бошчилик қилаётган гуруҳ битта ўрин олиб қолган. Бу фашистнамо яҳудий руҳонийси ва унинг гумашталари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида яшовчи фаластинликларга қарши ўнлаб жиноятлар қилганлар. М. Кахане яқинда фош этилган ва фаластинликларни ёппасига ўлдириш режасини тузган яширин террорчи ташкилот билан бевосита боғлангандир.

## «ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

### МУҚОВАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

● Парижда ўзига хос китоб муқовалари кўргазмаси ўтказилди. Китоб муқоваловчилари касаба союз ташкилоти билан Париждаги кутубхоналарнинг бири ўтказган бу кўрик кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб қилди. Китоб муқоваларининг сифати ва безалиши кўрикнинг бош мавзуи бўлди.

Кўргазма икки қисмдан иборат. Дастлабки бўлимда 1920 йилдан 1970 йилгача бўлган даврда муқовачилик санъати тарихи билан таништирилса, иккинчи бўлимда Франция ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари китоб усталарининг асарлари намойиш этилди. 300 дан зиёд қўлда бажарилган китоб муқовалари, айниқса, зўр қизиқиш билан кўздан кечирилди.

### САВОДСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

● Индиана штатидан республикачи сенатор Дэн Куэйл Вашингтонда матбуот конференциясида сўзга чиқиб, ҳар ўн америкаликдан биттаси ёзишни ва ўқишни билмайди, деб айтди. Пренса Латина агентлиги сенаторнинг сўзларига асосланиб Америка Қўшма Штатларининг 23 миллион гражданидан камроғи ҳақиқатан ҳам саводсиздир, деб хабар қилади.

### ТАЪМИРГА ИНЪОМ АЖРАТИНГ

● Пекиннинг оқшомги газетаси ХХР халқига Буюк Хитой деворини таъмирлаш иши учун инъом маблағи ажратишга даъват этди. Деворнинг Хитойнинг шимолидаги узунлиги 2.400 километр бўлган қисми шикастланганлиги сабабли пул тўпловчилар уюшмаси тузилган.

Таъмир иши учун энг кўп маблағ ажратган кишиларнинг исмлари деворларга ёзилиб абадийлаштирилиши мўлжалланмоқда.

### ИЛОН ЙЎҚОЛДИ

● Мексика пойтахти Мехикодаги «Чапультепек» ҳайвонот боғида Африкадан келтирилган кобра илони йўқолди. Кутилмаган ҳодиса муносабати билан ҳайвонот боғининг барча ходимлари уни қидиришга киришиб кетишди, бу ерга келувчилардан эса қалин ўсимликлар қопланган катта майдонни тозалаш ишида тезроқ ёрдам кўрсатишга чақирилди. Ҳайвонот боғи дарвозалари бир неча кун берк турди, унинг яқинидаги ресторанлар ва кафелар ишламади.

Узунлиги 1 метру 20 сантиметр бўлган кобра илони жуда хавфли ҳисобланарди. Унинг чақиши ўлимга олиб келиши мумкин эди.

Ниҳоят «қочоқ» илон қўлга тушди: у касал ҳайвонларни даволовчи ветеринария шифохонасига элтувчи юк машинаси ичида экан.



●Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида ўз касбининг билимдонлари талайгина. Ёш гул босувчи Умида Орифжонова ана шундай ишчан тўқимачиларнинг биридир.

Суратда: Умида Орифжонова (ўнгда) цех мастери Т. Фатхуллина билан тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

Х. Шодиев фотоси.

### УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ВЕТЕРАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## УЧРАШУВГА МАРҲАМАТ

Собиқ 1863 зенит-артиллерия полки 1944 йилнинг кузида Мурманск шаҳри учун бўлган жангларда актив иштирок этган эди. Шу йил сентябрь ойида Мурманск фашистлардан озод этилганлигининг 40 йиллиги нишонланадиган байрам кунларида полк собиқ жангчиларининг навбатдаги иккинчи учрашуви бўлиб ўтади. Биз тошкентлик полкдошимиз Шарипов Шарифхўжа ва бошқа собиқ сафдошларимизни учрашувга таклиф этамиз.

Полкдошлар учрашувига ташриф буюришни истаганлардан бу ҳақда олдиндан қуйидаги адресга хабар беришларини илтимос қиламиз:

Смоленск шаҳри-4, Багратион кўчаси, 5-уй, 15-квартира.

Василий БЕЗДОРОЖНИЙ.

### БУ ЯНГИ ТАЖРИБА ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА

## ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

**ОБЛАСТИМИЗДАГИ қатор саноат корхоналари коллективлари йил бошидан иқтисодий эксперимент асосида ишлашга ўтдилар. Улар орасида Чирчиқ трансформатор заводи ҳам бор. Коллектив янги тартибда ишлай бошлаганидан бери ўтган олти ой натижаси нималарни кўрсатди? Ушбу мақолада ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.**

ЭКСПЕРИМЕНТНИ ўтказишдан мақсад корхоналар барча ходимларининг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлигини ошириш йўли билан хўжалик юритишни яхшилашдан иборатдир. Унинг шартларига мувофиқ коллективлар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари анча камайди. Эндиликда фақат маҳсулот етказиб бериш бўйича, уни реализация қилиш ҳажми, натурада маҳсулот тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш ва фойда миқдори бўйича ҳисобот берилади. Барча бошқа кўрсаткичлар эса корхона коллективи томонидан тасдиқланган нормативлар асосида мустақил белгиланади. Эксперимент берган ҳуқуқлар асосида нормативларга мувофиқ моддий рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, социал-маданий тадбирларни, уй-жой қурилишини таъминлаш фондлари тайинланади.

Эксперимент маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини рағбатлантиради. У бажарилса, моддий рағбатлантириш фонди 15 процент ортади, бажармаган ҳар бир процент ҳисобига эса 3 процент камаяди.

Трансформаторсозларнинг иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаган дастлабки олти ой якунлари дуруст бўлди. Ҳисобот кўрсаткичлари бўйича план топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш плани 100 процент бажарилди. Барча буюртмачилар ўз маҳсулотларини белгиланган муддатларда олдилар. Бу халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эгадир.

Маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик плани анча ортиғи билан адо этилди. У белгиланганига нисбатан 2,9 процент кўп реализация қилинди Норматив соф маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,2 процент ошди.

### ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ АМАЛДА

Бу мажбуриятда назарда тутилганидан ҳам икки баравар кўпдир.

Ўн биринчи беш йиллик тўртинчи йилининг биринчи ярмида маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан зиммага олинган мажбурият ортиғи билан адо этилди. Машинасозлар таннархни 1,35 процент камайтиришга ваъда берган эдилар. Асли эса у 1,88 процентни ташкил этди. Бу корхона коллективи материаллар ва хомашё ресурсларидан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланганлигидан далолат беради.

Корхонада юксак сифат категориясидаги трансформаторлар, комплекс трансформатор подстанциялари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 10,3 процент ошди ва 51,3 процентни ташкил этди.

Реализация планини бажариш, маҳсулот сифатининг ортиши ва таннархининг камайиши туфайли фойда олиш плани зиёдаси билан адо этилди. Барча цехларда иш ҳақи фонди план даражасида сарфланди. Умуман завод бўйича эса маошнинг анчагина қисми тежаб қолинди.

Янги иқтисодий шароитларда бундай ютуқларга коллективнинг зўр уюшқоқлик, ғайрат-шижоат, фидокорона меҳнат қилиши туфайли эришилди. Барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида ижодий ташаббус янада кенгайди. Ҳар бир иш жойидаги резервлар ва имкониятлар ҳисобга олиниб, уларни ишга солиш учун барча тадбирлар кўрилди.

Материаллар ва хомашёдан фойдаланишда юксак кўрсаткичларга эришиш осон бўлмади, албатта. Чунки трансформаторлар учун асосий изоляция материали ҳисобланган картондан фойдаланиш коэффициенти 0,96 процентни, симлардан фойдаланиш коэффициенти 0,99 процентни ташкил этди. Бошқа материаллардан фойдаланишда ҳам шундай натижаларга эришилди. Оқибатда катта иқтисодий самара олинди. Шу йилнинг биринчи кварталида план бўйича моддий рағбатлантириш фонди 184 минг сўмни ташкил этиши керак эди. Аслида у 225 минг сўмга етди. Коллектив меҳнат кўрсаткичларининг яхши бўлиши бу фондга қўшимча 41 минг сўм ўтказиш имконини берди.

Ярим йиллик якунлари бўйича моддий рағбатлантириш фондига пландагидан ташқари 88,9 минг сўм ўтказилди. Шундан 58,8 минг сўм маҳсулот етказиб бериш плани бажарилганлиги туфайли олинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича муқобил план бажарилганлиги учун 15,3 минг сўм ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича муқобил плани адо этилгани учун 14,8 минг сўм маблағ ажратилди. Бунинг натижасида моддий рағбатлантириш фондидан лавозимли окладларга қўшимча тўланган иш ҳақи 22,7 процентни ташкил этди.

Кўпгина цехларда, бўлимларда катта иш ҳажми кам ишчи сони билан бажариладиган бўлди. Бунинг натижасида хўжалик юритишнинг умумий якунларига қўшилаётган шахсий ҳиссанинг ортиши туфайли 350 нафар юксак малакали инженер-техник ходимлар ва хизматчилар маоши ошириб белгиланган. 24 ишчининг тариф ставкаси сезиларли даражада ортди, 75 ишчи қўшимча касбларни эгаллаганликлари учун тариф ставкасининг 50 проценти миқдорида қўшимча ҳақ олди.

Эксперимент шароитлари меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формаларини янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам бундай коллективлар сони анча кўпайди. Эксперимент ўтказишдан кўзланган асосий мақсадларнинг бири ҳам меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини кенгроқ жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш, бригадаларнинг пировард меҳнат натижасидан моддий манфаатдорлигини кучайтиришдан иборатдир. Айни вақтда корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, рақамли бошқариладиган қурилмалар бўлган станокларни, робот техникасини, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлашган воситаларини ўрнатиш бўйича ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Чирчиқ трансформатор заводи коллективининг иқтисодий эксперимент шароитларида олти ойлик иш якунлари унинг афзалликларини яққол кўрсатиб турибди. Айни вақтда қатор муаммолар ҳам вужудга келдики, уларни бартараф қилиш учун барча имкониятларни ишга солиш керак.

Корхона коллективи янги шароитларга ўтиши билан моддий техника таъминоти пухта йўлга қўйилиши лозим. Аслида эса шундай бўлмаяпти. Ҳамма зарур материаллар ҳар доим ҳам ўз вақтида ва етарли миқдорда етказиб берилмаяпти. Жумладан, заводда комплекс трансформатор подстанциялари учун симлар, металл етказиб беришда узилишлар содир бўлмоқда. Йил бошидан бери 192 тонна шундай металл олинмади. Магнит симларини ўраш учун эса ишлатиладиган 92 хил симнинг 14 таси етишмай турибди. Кабель заводлари маҳсулот етказиб беришни уддаламаганликлари учун ана шу маҳсулотнинг 8 проценти миқдорида жарима тўламоқдалар. Лекин бу трансформатор заводи коллективининг шу сабабли кўрадиган зарарини тўла қопламайди.

Буюртма берилган маҳсулотни олишдан бош тортганларга нисбатан иқтисодий таъсирни кучайтириш лозимга ўхшайди. Трансформатор заводи коллективи ҳам қатор буюртмачилар ўз маҳсулотларини олмаганлари учун зарар кўрди. Янги мижозларни қидириб топиш эса анча оворагарчиликка сабаб бўлди. Планлаштиришдаги камчиликлар ҳам иқтисодий экспериментга зарар келтирмоқда. Шунинг учун ҳам планнинг қатъий бўлишини таъминлаш лозим.

Чирчиқ трансформатор заводи коллективининг иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаган ярим йиллик якунлари анча дуруст бўлди. Лекин экспериментнинг барча афзалликлари тўла намоён бўлиши учун ҳали кўп иш қилиниши, планлаштиришнинг тубдан яхшиланиши, моддий-техника таъминотининг бир маромда бўлиши, корхоналар ва юқори ташкилотларнинг иқтисодий эксперимент учун масъулияти кучайтирилиши лозим.

М. МАҲМУДОВ.

